Ишонч № 1 1994




НАСИБ бўлса, янги — 1994 йилга қадам қўйдик. Бугунги отган янги йилнинг равшан тонги ҳам бизни улуғвор ишларнинг ёрқин тонглари силсиласи кутиб турганлигини билдиради.

Амалга оширилган ишларга, босиб ўтилган йўлга бир назар ташласак, анчагина тарихий воқеалар юзага келганини кўришимиз мумкин. Улар жуда кўп, ранг-баранг. Улар бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ. Қайта тикланиб, халқимизнинг ўзига қайтарилган ажойиб қадриятларимизнинг ўзинигина бир олиб кўринг. Бултурнинг ўзида Ҳожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Исмоил Бухорий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуғ алломаларнинг муборак хотира тўйларини ўтказдик. Наврўз, Рўза ҳайити, Қурбон ҳайити каби тарихий байрамларимиз кенг нишонланди. Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги ва Конституциямиз қабул қилинганлигининг бир йиллиги катта тантаналар билан нишонланди. Бундай забардаст воқеаларни бирма-бир санаб чиқишнинг ўзи ҳам бениҳоя мароқли. Чунки келажаги буюк бўлган юртимиз, давлатимизнинг илк таъмал тошларини мустаҳкам қўйиб, унинг моддий ва маънавий таг заминини бақувват барпо этиш, келгуси юз йилларни мўлжаллаб иш олиб бориш — энг муҳим ҳаётий вазифадир. Чунки Шарқнинг бир донишманд шоири айтганидек:

**Хишти аввал гар бимонад меъмор каж,**
**То ба осмон равау девор каж,—**

яъни, агар меъмор деворнинг биринчи ғиштларини нотўғри қўйсаю бино пойдевори қийшиқ бошланса девор осмонгачаям қийшиқ бўлиб бораверади. Бу гапларда ўтмиш устод ва мутаффаккирларнинг ўлмас ўгити акс этган. Шарқнинг улуғ тафаккури ва фалсафасига асосланган фаолиятимиз, иншоолло, ҳамиша мўъжизакор қудрати билан ҳаётимизга маъно ва файз бахш этаверсин. Янги йил тонгидаги илк тилагимиз, олий муддаомиз ушбудир.

Босиб ўтилган йўлнинг иккинчи буюк якуни — бу республикамиздаги ижтимоий ҳаётнинг ҳар томонлама осудалиги, барқарорлигидир. Бу жуда катта ғалаба. Унинг мазмунида халқимизнинг буюк заковати, сабру бардоши, оқилона иш тутиши мужассам. Президентимизнинг бутун куч-ғайрати, дадил сиёсати, қатъияти ва донолиги тинч, фаровон ҳаётимизни йўналтириб турибди. Буни биз фахр билан ёдда тутамиз. Дунёдаги нотинч вазиятлар ҳақида таассуф билан ўйлаганимда, бу улуғ ишнинг қадру қимматини бутун камоли билан ҳис этамиз. Биз бошқа диёрларга, барча инсониятга тинчлик, омонлик истаймиз. Улар ҳам оғир, безовта, таҳликали ҳолатлардан тезда чиқиб кетиб, яхши кунларга юз тутсинлар. Қўшнинг тинч — сен тинч, деган халқимизнинг улуғ мақоли бежиз айтилмаган.

**Аждодлар улуғ номи қалбимизга жо этиб,**
**Юрт узра янги ҳаёт биносин барпо этиб,**
**Келажак уфқларга йўл олдик бугун мағрур,**
**Йўлимизни ёритур Қомусимиз мисли нур.**

**Биз дунёвий диёрмиз, олам сари очган юз,**
**Байроғимиз ҳуснини безайди Ою юлдуз.**
**Минг йиллар юкин ортган биз улуғвор карвонмиз,**
**Дунё харитасида буюк Ўзбекистонмиз.**

**Қелажаги порлоқ юрт, халқи фидойи ватан,**
**Сенга бахшида эрур фикру туйғу, жону тан.**
**Тарихларнинг бағридан чиққан эзгу армонмиз,**
**Истиқболга йўл олган буюк Ўзбекистонмиз.**

Президентимиз Ўзбекистон Конституцияси — ҳаётимиз бош қомусининг бир йиллигига бағишланган тантанали мажлисда ҳадиси шарифдан «Ватанни севмак иймондандир», деган табаррук калимани мисол келтириб, эндиги вазифаларимизни шу асосда белгилади. Истиқлолимиз, Мустақиллигимиз биздан фидойи меҳнатни, ақлу қалбимизнинг бор қувватини шу улуғ ишга, яъни мустақиллигимизни амалиёт билан мустаҳкамлашни талаб этади. Ҳар ким ўз ўрнида, ўз имкону даражасида туриб, Ватанга хизмат қилиши керак. Ватанни севиш — шунчаликкина баландпарвоз ифодалар йиғиндиси бўлиб қолмай, балки гўзал, маъноли, яратувчи аъмолу ҳаракатлар мужассамидир. Ватан бойликларини янада кўпайтириш, улардан режали, оқилона фойдаланиш, боғу далаларини янада яшнатиш, ишлаб чиқариш кучларини, саноатини, қишлоқ хўжалигини энг замонавий даражаларга кўтариш, маърифату маданиятини камол топтириш устида тинмай изланиш — ватанпарварликдир. Ватандан қанча ва нималар оламан деган хаёл эмас, аксинча унга нималар бахш эта олишим мумкин, деган фикр билан яшаш — ватанпарварликдир.

Президентимиз таъкидлаганларидек, «Ватанга содиқлик, ватанпарварлик ўзининг қудратли илдизлари билан ўз оиласининг, авлод-аждодларининг номус-орига чуқур эҳтиромга, инсоннинг шахсий виждонига, бурчга ва ўз сўзига содиқликка бориб тақалади».

МУСТАҚИЛЛИК майдонидаги олтин глобус — Ер шари қиёфасида Ўзбекистонимиз яркираб турибди. Бу улуғ Ўзбекистонимизнинг жаҳонга юз очиб турган сиймоси. Унинг бағрида кўп хайрли ишлар амалга ошмоқда. Дунёнинг кўп забардаст мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли, кенг дўстона муносабатларга эгамиз. Ўз Байроқ, ўз Қўшин, ўз Туғро, ўз сарҳадларимиз борлиги — буюк бойлигимиз. Энди ўз сўм пулимиз бутун қамрови ва кўлами билан ҳаётимизда қарор топади. У иқтисодий мустақиллигимизни таъминловчи қудратли омилдир. Вақт етиб, у жаҳондаги кучли пуллар қатори обрў-эътибор қозонажак. Бундай порлоқ мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Тошкентда кўп мамлакатлар элчихоналари ишлаб турганлиги, самолётларимиз неча-неча диёрларга парвоз этаётганлиги, улуғ анжуманларда Ўзбекистон сўзи мағрур, баралла жаранглаётгани дилларимизни фахру ифтихорга тўлдиради. Марказий Осиёдаги ва жаҳондаги барча дўстлар билан тобора мустаҳкамланиб бораётган алоқаю мулоқотларимиз Ўзбекистонимизнинг буюк келажагидан далолат бериб турибди.

Янги йилни, 1994 йилни чин дилдан муборакбод этиб, бу йилда ҳам кўпдан-кўп яхшиликлар, зафарлар бизга ёр бўлажагига ишончимиз комил.

**Инсон инсон билан тирикдир азал,**
**Халқлар бир-бирига эзгулик кўзлар.**

**Шу улуғ удумга биз этиб амал,**
**Сизга дил сўзларин айтамиз, дўстлар.**

**Қудратли бир чинор отиб кенг илдиз**
**Марказий Осиё узра тутмиш қад.**
**Бу — бизмиз. Қозоғу туркману қирғиз,**
**Тожигу ўзбегим — муқаддас сарҳад.**

**Тариху тақдиринг чўнг йўлларида**
**Елкадош борурмиз, мангу ёнма-ён.**
**Барча диёрларга кўксимиз очиқ,**
**Истаймиз, ҳамиша тинч бўлсин жаҳон.**

**Осмонимиз доим бўлсин мусаффо,**
**Дарёю денгизлар соф, тоза бўлсин.**
**Ҳаммага тенг бўлсин бахт ила сафо,**
**Яхшилик жаҳонда овоза бўлсин!**

Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

---

**Янги йил дастурхонини турли-туман ширинликларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Дастурхонингизга кўрк, меҳмонларга табассум ато этаётган ширинликларнинг кўп қисми Тошкентдаги «Ўрток» қандолатчилик фабрикасида тайёрланмоқда. Фабрика сотувга харидорлар севиб харид қиладиган 14 хил конфет чиқармоқда. Кейинги олти ойда қандолатчилар 3000 тоннадан ортиқ конфет тайёрлашди. Бунга цех машинисти М. Қўчқорова қўшаётган улуш салмоқли бўлмоқда.**



Суратда: М. Қўчқоровани иш устида кўриб турибсиз.

Даврон АҲМАД олган сурат.

---

## МАЗАЛИ НОНЛАР СОҲИБЛАРИ

НАРЗИ бобонинг ўғли Ўктамжон ҳарбий хизматни Афғонистон Республикасида ўтаб, соғ-саломат уйига қайтгач, Навоий шаҳрида тикланаётган вилоят дон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Иссиқ нон» корхонаси қурилишига бош бўлди. Корхона ишга тушгач, Ўктам Нарзиев унга директор қилиб тайинланди. Унинг раҳбарлигида ёпилаётган иссиқ нон-нинг довруғи нафақат Навоий шаҳрига, балки Карманаю Қизилтепа шаҳарларига, қўшни Султонобод ва Зиёвуддин қўрғонларига ҳам етиб борган. Шу туфайли шаҳарнинг унга қарашли учала цехи ёнидаги дўконларида ҳам одамлар гавжум.

Корхонанинг Анна Зюба, Ойдиной Худойқулова, Шерали Холмонов, Баҳриддин Ҳамдамов сингари моҳир новвойлари ҳам ёпаётган нонлар юксак сифати билан истеъмолчиларга манзур бўлаётир.

Корхона меҳнатчилари йил бошидан буён аҳоли дастурхонига 1647 тонна 15 турдаги нон ва нон маҳсулотлари тортиқ этишди.

Навоий шаҳрида ҳам янги йил тантаналари давом этмоқда. Хушчақчақлик, гурунг, кўнгилхушлик авжида. Бироқ иссиқ нон цехларида меҳнат сурони бир дақиқа ҳам тинмайди. Унинг дўконларидан энг хушбўй ва ёқимли нон ҳиди таралаётир. Бу нонлар шаҳарликларнинг янги йил дастурхонига файз киритмоқда.

Янги йил кунларида корхонада Олмония ва Туркия қўшма корхонаси — «Екмасан» тайёрлаган «кичик нон заводи» ишга тушди. У ҳар сменада 2 тонна нон маҳсулотлари тайёрлаб беради.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ.
«Ишонч» мухбири.







# ЯНГИ ЙИЛ САХОВАТИ







«Ўзэлектроаппарат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида Янги йил тантаналари тараддуди бошланганига анча бўлди. Бирлашманинг байрамдагидек безатилган катта залидан Ўзбекистон телевидениеси тайёрлаган «Тилсим» кўнгилочар, кувноқ Янги йил кўрсатуви уюштирилди. Бу кўрсатув Россия марказий телевидениесининг «Мўъжизалар майдони» номли машҳур кўрсатувига айнан ўхшаб кетар эди.

Кўрсатув қувноқ мусиқий намойиш ва ажойиб рақслар билан бошланади. Фурқат Аҳмедов билан бирлашма директори Абдуманноб Алимбоев бошқарувида сермазмун, чуқур маъно касб этувчи сўз ўйинлари кўрсатув қатнашчиларнинг диққатини ром этди. Ўз навбатида қатнашувчиларнинг фаол топқирлиги ҳам, айниқса, қопқоғи берк қутичага яшириб қўйилган буюмларни тасаввур кучи билан кўра билишлик қобилиятлари ҳам томошабинларнинг ҳайратини оширди. Шунинг учун ҳар бир мўъжизавий намойиш қарсак устига қарсак, сидқидил олқишларга сазовор бўлаверди.

Аввалига мукофот миқдори рамзий тарзда 300 сўм-купонни ташкил қилган бўлса, «Тилсим» кўрсатуви ҳомийси «Ал Машриқ» фирмаси саховати билан ўйиннинг тобора қизиб бориши натижасида беш юз минг сўмга етди.

Энг катта мукофот — рангли япон телевизори эса кўрсатув якунининг ғолиби «Ўзэлектроаппарат» бирлашмаси ходимаси У. Мавлоновага насиб этди.

**Сайёра НАЖМИДДИНОВА.**

**Суратларда: «Тилсим» кўрсатувидан олинган ҳаяжонли лавҳалар.**

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**


# Ҳурматли газетхонлар! Муҳтарам тадбиркорлар!

«Ишонч» газетаси таҳририяти сизни янги 1994 йил билан табриклаб, бир неча янгиликни Сизга хабар қилади.

Бундан буён сиз эълон ёки рекламангизни бериш учун газеталар остонасида қимматли вақтингизни бекорга кетказманг. Бизга ишонсангиз бас, рекламага тааллуқли барча хизматларингизни қисқа вақт ичида, арзон нархларда беками-кўст бажарамиз. **Сифат — бу бизнинг ишимиздаги ягона кафолатдир!**

**«Ишонч» — бу республикамизда энг кўп нусхада тарқаладиган газеталардан бири!** Мана шунинг учун ҳам сизнинг реклама ва эълонларингиз кенг газетхонлар оммасига етиб боришига ишончингиз комил бўлсин! Биз йиғиб бораётган маълумотларимиз ёрдамида сизга барча турдаги маҳсулотларни тезда сотиш ёки сотиб олишда, айрбошлашда, кўмаклашамиз, оммага хабар бериш ва тарғиб этишда эса тўғридан-тўғри ёрдам берамиз. Сизнинг офисингизни аквариум ва гуллар билан безашни бажарамиз.

**Агар бизнес билан шуғулланмоқчи бўлсангиз, барча керакли ҳужжатларни қисқа вақт ичида тайёрлаб, кўпайтириб берамиз!**

**Таҳририят 1994 йил учун реклама қабул қилиш бўйича шартномалар тузишни бошлади.** Нарх-наволар ошиб кетаётган бир пайтда, рекламаларнинг нархи ҳам ошиши бундан мустасно эмас! Лекин бугун шартнома тузган мижозларимизга бу хавф йўқ.

Газетада 2 ёки 3 марта кетма-кет реклама чоп этадиган бўлсангиз унинг нархи 30 фоизгача арзонлаштирилади. Бундай имтиёз шартнома тузганларга ҳам тааллуқлидир. Кетма-кет чоп этилган газетанинг 3 та сонини таҳриятга келтириб берган якка шахслар ўз эълонларини бепул эълон қилиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Ташкилот ва фирмалар бир саҳифа кетма-кет уч марта реклама берадиган бўлсалар тўртинчи рекламалари бепулдир.

**Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй. (Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши биносида). 5-қават «Ишонч» муҳарририяти. 42-хона. Телефон: 56-85-43. Коммерция бўлими.**



# 1994

### ЯНВАРЬ

| Д. | С. | Ч. | П. | Ж. | Ш. | Я. |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 1 | 2 |
| 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 |
| 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 |
| 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 |
| 31 | | | | | | |

### ФЕВРАЛЬ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 |
| 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 |
| 28 | | | | | | |

### МАРТ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 |
| 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 |
| 28 | 29 | 30 | 31 | | | |

### ИЮЛЬ

| Д. | С. | Ч. | П. | Ж. | Ш. | Я. |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 1 | 2 | 3 |
| 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 |
| 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 |
| 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 |

### АВГУСТ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 |
| 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 |
| 29 | 30 | 31 | | | | |

### СЕНТЯБРЬ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 |
| 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 |
| 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | | |






### АПРЕЛЬ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 1 | 2 | 3 |
| 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 |
| 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 |
| 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | |

### МАЙ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 1 |
| 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 |
| 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 |
| 30 | 31 | | | | | |

### ИЮНЬ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 |
| 27 | 28 | 29 | 30 | | | |

### ОКТЯБРЬ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 1 | 2 |
| 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 |
| 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 |
| 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 |
| 31 | | | | | | |

### НОЯБРЬ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 |
| 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 |
| 28 | 29 | 30 | | | | |

### ДЕКАБРЬ

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 |
| 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 |
| 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | |

**БАЙРАМ КУНЛАРИ:**

1 январь — Янги йил, 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни, 13 март — Рўза ҳайит (Ийд-ал-фитр), 21 март — Наврўз байрами, 9 май — Ғалаба куни, 20 май — Қурбон ҳайит (Ийд-ал-адҳа), 1 сентябрь — Мустақиллик куни, 8 декабрь — Конституция куни

Эслатма: Ҳайит кунлари ой чиқишига қараб ўзгариши мумкин.


Ишонч

БОШ МУҲАРРИР
ТЎЛҚИН ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АКРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Абдуманноп АЛИМБОЕВ, Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғунбой МАДИЕРОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Абдурасул РЎЗМАТОВ, Саминжон СУЛТОНОВ (вилоят мухбири), Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖАЕВ, Санобар ХЎЖАЕВА.

● Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
● Бош муҳаррир муовини 56-52-89
● Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

● Касаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт — 56-82-79.
● Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.
● Мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
● Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

● ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Андижонда — 5-32-24;
Бухорода — 3-50-10
Гулистонда —2-10-02;
Жиззахда—2-31-41;
Навоийда — 3-52-99;
Наманганда — 6-22-10;
Нукусда —4-19-97;
Самарқандда — 35-64-22;
Термизда — 2-70-07;
Тошкентда — 56-82-79;
Фарғона — 4-28-29
Урганч — 6-03-40
Қаршида —5-33-71;

● Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

Сотувда эркин нархда.

● ШАНБА кунлари чиқади.

● Босишга 30 декабрда топширилди.

● Навбатчи масъуллар:
Турғун НАЗАРОВ,
Сандазим ШАРОФХОНОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

● 63660 нусхада босилди.

● Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.



● Газетага 1991 йил 8 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 00068 рақамли гувоҳнома берилган.
● Офсет усулида босилди.
Формати А-3 ҳажми 2 босма табоқ.
● Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
● Буюртма Г-712 1 2 3 4 5 6